

5-СЕКЦИЯ. САНОАТ КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВОСИТАЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ.

РАСУЛОВ НОДИРБЕК МАДРАХИМОВИЧ,
*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий
тадқиқотлар институти (ПМТИ), и.ф.н., доц.*

КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАРДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ВОСИТАЛАРИ

Аннотация. Мақоллада корпоратив тuzilmalardagi innovatsion jarayonlarning kuchayishiga olib keladigan vositalar va ularni samarali boshqarish mexanizmlari muhokama qilinadi.

РАСУЛОВ НОДИРБЕК МАДРАХИМОВИЧ,
Кандидат экономических наук, ИПМИ

СРЕДСТВА ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫМИ ПРОЦЕССАМИ В КОРПОРАТИВНЫХ СТРУКТУРАХ

Аннотация. В статье рассмотрены инструменты которые приводят к интенсификации инновационных процессов в корпоративных структурах и механизмы их эффективного управления.

RASULOV NODIRBEK MADRAKHIMOVICH
PhD in Economics, IFMR

MEANS OF EFFECTIVE MANAGEMENT OF INNOVATIVE PROCESSES IN CORPORATE STRUCTURES

Abstract. The article is headlined described instruments, which lead to the intensification of innovative processes in corporate structures, and the mechanisms of effective management.

Ўзбекистонда юз бераётган пандемия ва унинг иқтисодиётдаги салбий оқибатларини бартараф этиш, корхоналарни конъюнктуравий ўзгаришларга мослашувини таъминлаш ҳар қандай хўжалик субъектининг олдида турган муҳим масалалардан биридир. Чунки корхоналар бошқарувини замон талабларига мослаштириш, инновацион жараёнларни интенсивлаштириш, ишлаб чиқариш фаолиятини тубдан янгилаш орқалигина маҳаллий ва жаҳон бозорида ҳар томонлама рақобатлаша оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар салмоғини янада ошириш вазифаларини ҳал этиш мумкин.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқиладиган ҳар бир меъёрий ҳужжат, амалга ошириладиган ҳар бир тадбир корхоналардаги инновацион жараёнларни янада жадаллаштиришга йўналтириладиганлигини таъкидлаш ўринли. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш» [1], «...иқтисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш Ўзбекистон Республикаси жадал ривожланишининг муҳим шартидир» [2] - деб кўрсатиб ўтилган ҳамда муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларнинг самарали ҳал этилиши турли мулкчилик шаклига асосланган хўжалик юритувчи субъектларда инновацион жараёнларни ташкилий-бошқарув механизмларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5264 сон, 2018 йил 22 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сон, 2018 йил 21 сентябрдаги «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сон, 2018 йил 24 ноябрдаги «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5583-сон Фармонлари ва 2018 йил 5 майдаги «Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3697-сон, 2018 йил 6 августдаги «Илмий ва инновацион фаолиятни интеграциялаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3899-сонли қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган

вазифаларни амалга ошириш корхоналарда инновацион жараёнларни янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни ташкил этиш, уни самарали бошқариш серқирра ва мураккаб жараён бўлиб, у энг аввало, корхоналарда узоқ вақт фойдаланиб келинаётган ҳам жисмоний, ҳам маънавий эскирган асбоб-ускуналарни фойдаланишдан чиқарилишини, янги инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишни, инвесторлар, мулкдорлар, акциядорлик жамиятлари, холдинг компаниялар, шўъба корхоналар, маъсулияти чекланган жамиятлар каби субъектлар фаолиятига мулк эгаларининг инвестициялари билан иқтисодий интеграциялашувига шароитлар яратади. Чунки ишлаб чиқаришда жисмонан эскирган асбоб-ускуналарни қўллаш умумий ҳолда ресурслар сарфини ошиб кетишига, нуқсонли ва ярқисиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига, уларнинг сифати ҳамда истеъмол хусусиятларини пасайишига олиб келса, маънавий эскирган асбоб-ускуналар кўпроқ маҳсулотлар таннархини нисбатан юқори бўлишига, замонавий истеъмол даражасига жавоб бермайдиган маҳсулотлар ишлаб ишлаб чиқарилиши эвазига жиддий муаммоларни келтириб чиқаради.

Бироқ шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, корпоратив тузилмаларда ҳозирда мавжуд бўлган ва ишлатилиб келаётган асбоб-ускуналарни замонавий жиҳозлар билан қисқа муддатда ва ялписига алмаштириб бўлмайди. Бу, биринчидан, жуда катта молиявий маблағларни тақозо эса, иккинчи томондан, амалдаги ишлаб чиқариш жараёнини тўхтатилиб қўйилишига олиб келади. Шунга кўра, корхона кўлами, маҳсулотининг аҳамияти, техник-технологик ва молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ушбу жараённи босқичма-босқич, изчил равишда амалга ошириш ҳамда корпоратив бошқарув тамойилларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади [3].

Амалиётда корхоналардаги инновацион жараёнларни фаоллаштиришда биринчи галда эскирган асбоб-ускуналардан воз кечиш, ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш вазифасини кўндаланг қўйса, иккинчи галда акцияларни эмиссия қилиш орқали янги молиявий имкониятларни излаб топишни заруратга айлантиради. Шу нуқтаи назардан, корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни самарали бошқариш қуйидаги имкониятларни келтириб чиқаради:

- халқаро стандартларга жавоб берувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиради;

- қимматли қоғозларни сотиш, сотиб олиш, эмиссия қилиш ҳисобига молиявий ресурсларни жалб қилиш мумкин бўлади;

- замонавий технологиялар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга татбиқ этилади;

- инвестицион-инновацион лойиҳаларни амалга ошириш мумкин бўлади ва ҳ.к.

Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни фаоллашуви, уларни самарали бошқариш аксарият ҳолатларда маҳсулот ва хизматлар сифатини такомиллаштирилишига олиб келади. Чунки ишлаб чиқарувчининг маҳсулотнинг янги турларини ўзлаштириш билан бир қаторда уларнинг истеъмол хусусиятларини яхшилашга интилиши пировардида сифат даражаси ўсишини таъминлайди. Бу эса мазкур маҳсулот ва хизматлар сотиш ҳажми кўпайиши билан бирга уларни сотиш бозорлари кенгайишига ҳам таъсир кўрсатади [4].

Бундан кўринадики, корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни самарали бошқариш воситаларини аниқлаш, уларга таъсир қилиш орқали корxonанинг техник ва технологик ривожланишига, молиявий ва иқтисодий имкониятлари кенгайишига, инновацион фаоллигини ошишига олиб келади. Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни самарали бошқариш механизмлари ва воситаларини тўғри ишга солиниши кўп жиҳатдан корхона мулкдорлари манфаатларини ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий ҳимоя қилинганлигига боғлиқ. Юқорида қайд этилганлардан кўринадики, корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни фаолиятига таъсир этадиган воситаларни самарали ишлаши ўз навбатида, корxonанинг мулкий жиҳатдан йириклашувини рағбатлантиради. Бу эса, корпоратив тузилмаларда бир қатор афзал жиҳатлари билан ажралиб туради. Масалан:

1) корпоратив тузилмалар ўз имконият ва салоҳиятлари билан иқтисодий ҳамкорларни ўзига нисбатан устун равишда муваффақиятли жалб эта олади. Турли конъюнктуравий тебранишлар шароитида корпоратив корxonалар ўзининг фаолияти барқарорлигининг сақланиб қолиши биринчи навбатда иқтисодий ҳамкорлик барқарорлик ва уни узок муддат давом этишини таъминлайди;

2) корпоратив тузилмалар рақобат курашига бардошлилиги билан ажралиб туради. Уларнинг моддий-техник даражаси, иқтисодий ва молиявий имконияти, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жадаллик билан жорий эта олиш қобилияти доимий равишда товарлар ва хизматлар турларини янгилаш, такомиллаштириб бориш, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш имконини беради;

3) корпоратив тузилмалар бозордаги қисқа муддатли конъюнктуравий ўзгаришларнинг салбий таъсирига бардошли бўлади, тасодифий омиллар таъсирига қарши тура олади;

4) глобаллашув ва ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви шароитида йирик корxonалар халқаро меҳнат тақсимоти устунликларидан кенгроқ фойдаланиш имконига эга бўладилар. Улардаги кўлам самараси ташқи иқтисодий омиллар билан кўшилган ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлиги ошишига замин яратади ва ҳ.к.

Келтирилган барча омилларнинг самарали ишлаши корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни нисбатан кенгроқ амалга ошириш мумкинлигидан дарак беради.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, корпоратив корхоналарда инновацион жараёнларни самарали амалга ошириш бир қанча устунлик ва афзалликларга эга. Бироқ айти пайтда бу жараёнларни амалга оширишда муҳим жиҳат – мавжуд иқтисодий манфаатлар уйғунлиги ва муштараклигига эътибор бериш керак. Бу эса пировардида ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларининг самарадорлигига аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сонли Фармони. // www.lex.uz.

3. Madrahimovich, R. N., & Bulturbayevich, M. B. (2019). Advantages of vertical integrated enterprises (under light industry enterprises). *Test Engineering and Management*, 81(11–12), pp. 1596-1606. <http://testmagazine.biz/index.php/testmagazine/article/view/222/194>.

4. Rasulov N.M. Actual Problems and Prospects of Development of National Innovative System in Uzbekistan. *Indian Institute of Finance Vol. XXXIII No. 2, June 2019*, pp. 399-406, India. ISSN : 09703772 (Online)